

**МАҲСУЛОТ (ИШ, ҲИЗМАТЛАР) ТАННАРХИ КАЛЬКУЛЯЦИЯСИ,
ТАҲЛИЛИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Аннотация: *Мазкур мақолада бошқарув ҳисоби ҳамда корхоналар фаолиятида калькуляциянинг тутган ўрни, маҳсулот таннархи харажатларини таркиби таҳлили ва уларни бошқаришни такомиллаштириш имкониятлари ёритилган.*

Калит сўзлар: *бошқарув ҳисоби, калькуляция маҳсулот таннархи, ишлаб чиқариш харажатлари, харажат, таннарх, молиявий натижа, фойдани максималлаштириш, рентабеллик кўрсаткичи, фойда.*

**Karshi International University
G.M Mardonova**

**PRODUCT (WORK, SERVICES) COST CALCULATION,
ANALYSIS AND ITS IMPROVEMENT**

Abstract: *This article describes the role of management accounting and calculation in the activities of enterprises, the analysis of the composition of product costs, and the possibilities of improving their management.*

Key words: *management accounting, product cost calculation, production costs, cost, cost, financial result, profit maximization, profitability indicator, profit.*

Республикамизда инновацион ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида хўжалик субъектларини рақобатбардошлиги ва жозибадорлигини оширишда маҳсулот таннархини пасайтириш ва у билан боғлиқ харажатларни фойдага таъсирини доимий назорат қилиш молиявий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. 2023 йилга қадар рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 2 баробарга кўпайтириш электрон ҳукуматнинг қўшимча вазифалари этиб белгиланганлигини назарда тутган ҳолда, шу жумладан, маҳсулот яратиш ва ишлаб чиқаришни бошқаришда ахборот тизимлари комплексини жорий

қилиш, молиявий хўжалик фаолиятда ҳисобот юритишда дастурий маҳсулотлардан кенг фойдаланиш, шунингдек, технологик жараёнларни автоматлаштириш орқали уни жадал шакллантириш микроиқтисодий даражадаги ишлаб чиқариш кўрасткичларининг иқтисодиётга таъсирини муҳимлигини ифодалайди.

2. Адабиётлар шарҳи.

Ихтисосликка оид адабиётларда таннарх ҳисоби ва таҳлилига оид турли ёнадувларни учратиш мумкин. Профессор А.П.Рудановский сётлар режаси таркибига бюджет сётларини киритиш таклифини илгари сурган ва ҳар бир хўжалик жараёнларини бюджет билан боғлаб мазкур жараённи бюджет деб атаган. Ҳорижий иқтисодий адабиётларда бошқарув ҳисоби тарихан капиталистик жамиятда тижорат сири яъни ишлаб чиқариш таркиби яширинлиги туфайли юзага келган ва шунинг учун баъзан “маҳфий ҳисоб” деб ҳам аталади, деган фикр учрайди.

Ушбу масалада айниқса хўжалик субъектларида таннарх таҳлили ва уни амалга ошириш тартиби бўйича иқтисодчи-олим Е.Ергешев томонидан шундай фикр билдирилган: Маҳсулот таннархини муттасил пасайтириб бориш учун ишлаб чиқариш харажатлар таркиби ва тузилишини, яъни маҳсулот таннархи мажмуасида ҳар бир харажатнинг тутган ўрнини билиш лозим. Таҳлил қилиш маҳсулот таннархининг бир неча йилги ўсиши ёки пасайишини ва асосий маҳсулот турларининг таннархини пасайтириш режасини бажаришга доир кўрсаткичларини текширишдан бошланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқаришда ҳажм кўрсаткичлари ичида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми ўзига хос хусусиятга эга. Бу эса ушбу кўрсаткичларни уларни таҳлил қилиш усулларига ўзига хос ёндошувни талаб этади. Шуларни инобатга олиб, мазкур корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, таннарх, фойда каби натижавий кўрсаткичлар ҳамда рентабеллик, рақобатбардошлик каби нисбий кўрсаткичлар ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар тизимини ишлаб

Маҳаллий ва хорижлик олимларнинг бошқарув ҳисобига оид фикрлари

Т/р	Олимларнинг Ф.И.О	Фикрлар мазмуни
1	Аксарият олимлар	<p>-бошқарув ҳисоби маълумотлари фақатгина корхона ичида фойдаланиш учун мўлжалланган ва тижорат сирига киради</p> <p>-бошқарув ҳисоби маълумотлари бошқарув қарорларини қабул қилиш учун мўлжалланган ва улар орқали ишлаб чиқариш жарёнига фаол таъсир кўрсатиш мумкин</p>
2	С.Николаева, Т.Карпова, В.Керимов, А.Шеремет ва бошқалар	<p>-бошқарув ҳисоби ҳисобга олиш, меъёрлаштириш, режалаштириш, назорат қилиш ва таҳлил қилишни интеграллашган тизимини ўзида ифода этади;</p> <p>-бошқарув ҳисоби нафақат харажат ва натижалар ҳақидаги маълумотларни, балки бошқа объектларн ҳам (қайсики, улар ҳақидаги маълумотлар бошқарув қарорларини қабул қилиш учун керак бўладиган бўлса) акс эттиради</p> <p>-бошқарув ҳисобининг маълумотлари тезкор (Жорий фаолият ва келажак учун) ва стратегик бошқарув қарорларини қабул қилишда ишлатилади.</p>

3. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сонли Қарорининг 1 банди.

чиқиш, уларни ҳисоблаш йўллари кўрсатиб ўтиш ва таҳлил этиш методини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Маҳсулот таннархи корхонанинг нарх сиёсатига бевосита таъсир килади. Шу нуқтаи назардан иқтисодчи-олимлар Н.Хасанов ва С.Нажбиддиновлар куйидагича фикр билдиришган. “Сотилган маҳсулот рентабеллиги кўрсаткичи корхона нарх сиёсатининг имкониятларини белгилаб беради. Агар бу кўрсаткич жуда паст бўлса, корхона ўз маҳсулотларининг нархини арзонлаштира олмайди, чунки бунда зарар кўриб ишлай бошлайди.

Профессор К.М.Гарифуллиннинг яратган четланишлар таҳлили моделига кўра (1 расм) ўрганилган.

<p>2. Бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган маблағларнинг ҳақиқий баҳода ҳисобланган миқдори</p> <p style="text-align: center;">$M_x + B_x$</p>	<p>1. Бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган маблағларнинг норматив баҳода ҳисобланган ҳақиқатдаги миқдори</p> <p style="text-align: center;">$M_x + B_n$</p>	<p>3. Ишлаб чиқариш ҳажми учун сарфланган маблағларнинг норматив баҳода ҳисобланган норматив миқдори</p> <p style="text-align: center;">$M_n + B_n$</p>
Баҳо бўйича четланишлар		Миқдор бўйича четланишлар

Тўлиқ дисперсиянинг миқдори

<p>1. Ҳарид қилинган материалларнинг баҳоси бўйича четланишлар</p> <p>2. Меҳнат ҳақи бўйича четланишлар</p> <p>3. Ўзгарувчан устама харажатларнинг харажат сифими</p>	<p>1. Материаллар миқдори (сарфи) бўйича четланишлар</p> <p>2. Меҳнат сифими бўйича четланишлар</p> <p>3. Ўзгарувчан устама харажатлар самарадорлиги бўйича четланишлар</p>
---	---

1-расм. Четланишлар таҳлили модели²

² Махсудов Б. (2018) Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш услубиётини такомиллаштириш//Диссертация.-Т.

Сотилган маҳсулот рентабеллиги сотишдан ялпи фойданинг сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига нисбати орқали аниқланади. Сотилган маҳсулот рентабеллигининг икки кўрсаткичи таққосланганда давр харажатлари ва асосий ишлаб чиқариш билан боғланмаган молиявий фаолият харажатлари сотишдан тушган фойда суммасига қанчалик таъсир кўрсатишини таҳлил қилиш имконини беради”.³

4. Хулоса ва таклифлар.

Бошқарув ҳисобининг умумий тактикаси яъни жорий даврда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, далиллаш, қабул қилинган қарорларни таҳлил ва назорат қилиш, шунингдек, калькуляциялаш усуллари ва уни тузишдаги муаммолар юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

– ривожланган мамлакатлар тажрибасига асосан, йирик ишлаб чиқариш ҳажмига эга корхонларда умумий маълумотларни қамраб олувчи “информацион-микромухит” яратиш;

– калькуляция қилиш усулларини ишлаб чиқаришга мослиги юзасидан баҳолашда бошқарув ҳисобини дастурий натижавийлигини таъминловчи автоматлаштирилган тизим яратиш.

Адабиётлар:

1. Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сонли Қарорининг 1 банди. –www.lex.uz.

2. Махсудов Б. (2018) Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш услубиётини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент.

3. Мамажонов А.Т. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ва таннарх таҳлилининг назарий асослари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2018 йил.

³ “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2018 йил